

*“Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар”*

*кафедраси катта ўқитувчиси*

*Мустапова Ҳ.И.(99890-972-96-10)*

## **ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР**

### **Аннотация**

Ушбу мақола Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциациясини (СААРК) тузилиши ва ривожланиш босқичлари таҳлилига бағишлиланган бўлиб, унда ушбу ташкилотнинг Жанубий Осиё интеграцион жараёнларидағи роли ўрганилган. Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилиши тарихан бир-бири билан урушиб келган давлатларнинг озгина бўлсада ушбу ташкилот доирасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали сиёсий муаммолар ечимида уйғунликни шакллантирилишига ёрдам бермоқда.

**Калит сўзлар:** ҳамкорлик муносабатлари, сиёсий муаммолар, интеграцион жараёнлар, тараққиёт босқичлари

### **Аннотация**

Данная статья посвящена анализу структуры и этапов развития ассоциации регионального сотрудничества стран Южной Азии (СААРК). В статье исследована роль организации в интеграционных процессах стран Южной Азии. Создание региональной организации сотрудничества стран Южной Азии дает возможность установить сотруднические отношения между странами, которые исторически враждовали между собой, а также решать политические проблемы устанавливая сотрудничество в социальной, экономической и культурной сферах.

**Ключевые слова:** сотруднические отношения, политические проблемы, интеграционные процессы, этапы развития

### **Annotation**

This article is about analysis that includes structure and progressing steps of South Asian Association for Regional Cooperation (SAARK), in this article, the role of organization in the integration process of South Asia is studied. Establishing of South Asian Association for Regional Cooperation is helping to make relationships between states which were fighting to each other historically, to form harmony in resolving political problems by establishing cooperation in social, economical, cultural fields.

**Key words:** cooperation, political problems, integration process, progressing steps

Жанубий Осиё минтақасида кўп йиллар давомида барқарор мавжуд бўлган оғир иқтисодий-ижтимоий вазият ушбу минтақа давлатларининг ягона бирликда бирлашишини тақозо этар эди. XX асрнинг 70 йилларида бошланган илк интеграцион жараёнлар 1985 йилда иқтисодий-техникавий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришни бош мақсад қилиб олган Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциациясини (СААРК) тузилишига олиб келди. Минтақа давлатларининг баъзилари ушбу ташкилотга сиёсий ва ҳаттоқи, ҳарбий тус беришга уринишган<sup>1</sup>. Лекин ушбу гоянинг Ҳиндистон томонидан қатъий инкор этилиши натижасида СААРК бугунги кунда минтақадаги иқтисодий, ижтимоий, маданий, савдо, туризм соҳаларини ривожлантиришга ўз саъй-ҳаракатларини қаратган. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Жанубий Осиёни ягона бирликка келтириш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш натижаси бўлмиш СААРК, ушбу минтақада тинимсиз содир бўлаётган чегаравий муаммоларни бартараф этиш, баъзи ички ва ташқи низоларнинг олдини олиш ва бартараф этишда оз бўлсада ўзининг хиссасига эга. Минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш

---

<sup>1</sup>Современные международный отношения: Учебник – М.: РОССПЕН.2000.

борасида олиб борилган 32 йиллик давр мобайнида Жанубий Осиёда сиёсий ва хавфсизлик соҳаларидаги келишувлар ҳам аста-секинлик билан яхшиланиб борди<sup>2</sup>.

Минтақада жойлашган давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ўсиш даражасидаги тафовут ва ушбу соҳаларидаги сиёсатлари СААРК доирасидаги ҳамкорликни ривожланишидаги асосий тўсқин бўлиб келмоқда, ва шу сабабли СААРК нинг иқтисодий соҳадаги фаолияти ўзининг айтарли натижасини кўрсата олгани йўқз. Шунга қарамай, СААРКнинг бугунгача иқтисодий соҳада эришган ютуқлари ва истиқболлари ҳақида фикр юритиш ўринлидир. Ҳамкорликнинг ilk даврларида ёк СААРК доирасида интенсив ҳамкорлик бўйича кенг қамровли ўн учта соҳа белгилаб олинди. Улар орасида

- маданий алоқалар;
- СААРКнинг саёҳат ҳужжатлари (SAARC Travel Documents) ни амалга ошириш;
- наркотик моддалар олди-сотдисиничеклаш;
- терроризмни қарши кураш бўйича Конвенция;
- атроф муҳитни сақлаш каби масаларини ўз ичига қамраб олганди.

СААРК Низомида белгилаб қўйилганидек, унинг асосий мақсади иқтисодий ўсишни жадаллик билан амалга оширишдан иборат. 1991 йилда тузилган Савдо, ишлаб чиқариш ва хизматлар (Trade, Manufactures and Services-TMS) бўйича ўқув дастурида СААРКка аъзо давлатлар бўйича ҳамкорлик ўз ишини бошлади<sup>4</sup>. Ушбу ўқув дастури қўллаб-қувватланди ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш учун Иқтисодий Ҳамкорлик Қўмитаси (Committee on Economic Cooperation-CEC) тузилдиз. Ушбу қўмитанинг ташкил этилиши СААРКнинг иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини амалга оширишдаги катта ютуқларидан бири эди. Унинг асосий вазифаси

<sup>2</sup>Gunnatillake C.,Cooperation Among Small Nations in the Context of the changing Asian Political Economy – Colombo, 1986–Б.14-15.

<sup>3</sup>Современные международные отношения: Учебник.–М.:РОССПЭН, МГИМО;2000–С.379.

<sup>4</sup>[http://www.sdc.gov.in/About\\_SAARC/summits.htm](http://www.sdc.gov.in/About_SAARC/summits.htm)

<sup>5</sup>Шу ерда

минтақа ичида саноат ва инвестициялар оқимини кенгайтириш ҳамда құшма корхоналар очиш ва савдо соҳасини тараққий эттиришдан иборат.

Кейинчалик Иқтисодий Ҳамкорлик Құмитасининг тавсиялари асосида СААРК доирасида Савдо Вазирлиги ташкил этилди. Шундай қилиб, Жанубий Осиёда мухим роль үйнайдыган иқтисодий ҳамкорлик вазирлик даражасидаги сиёсий дастурга айланди <sup>6</sup>.

1990 йиллардан бошлаб СААРК доирасида минтақадаги иқтисодий соҳани янада такомиллаштириш ва барқарор ҳолатта келтириш бўйича кенг кўламли дастур ва шартномалар амалга оширилди. 1991 йил Коломбода СААРК нинг олтинчи сессияси бўлиб ўтади ва унда 1997 йилда СААРК Имтиёзли Савдо Дастури (SAARC Preferencial Trading Arrangement-SAPTA) ни тузиш учун шартнома лойихаларини тайёрловчи хукуматлараро гурӯҳ ташкил этилди. СААРК доирасида амалга оширилган музокаралар натижасида 1993 йил 11 апрелда САПТА шартномаси имзоланди ва 1995 йил 7 декабрда кучга кирди<sup>7</sup>. Бу шартнома СААРК давлатларининг минтақада иқтисодий соҳада қўлга киритган энг катта ютуқларидан бири эди.

90 йилларнинг бошида САПТА тузилганидан кейин у Жанубий Осиё эркин савда соҳаси (South Asian Free Trade Area-SAFTA) га ўтишнинг дастлабки қадамлари сифатида минтақа давлатлари томонидан башорат қилинди <sup>8</sup>.

1996 йилдан бошлаб эркин савдо соҳасининг ривожлантириш учун керакли босқичларни танлаш бўйича хукуматлараро эксперт гурӯхи ўз ишини бошлади.

1998 йил 29-31 июль Коломбодаги СААРК саммитида минтақада эркин савдо соҳасини шакллантириш бўйича кенг қамровли ёзма келишувлар лойиҳасини тайёрлайдиган Экспертлар Қўмитаси (Committee of Experts-COE) ўз ишини бошлади <sup>9</sup>.

---

<sup>6</sup>[http://www.saarc-sec.org/Economic\\_Cooperation\\_of\\_SAARC.htm](http://www.saarc-sec.org/Economic_Cooperation_of_SAARC.htm).

<sup>7</sup>Sahay A.K., SAARC: Moving Towards Sub-regional Cooperation// Asian Affairs-N.Delhi-1998-Aug-13-156

<sup>8</sup>Шу ерда

<sup>9</sup>Hussein R., the Colombo Summit: a review//the News-Lahore -1998-Aug.2

2004 йил 6 январь Исломободдаги СААРК нинг XII самитида СОЕ томонидан лойиҳалаштирилган Жанубий Осиё эркин савдо соҳаси (САФТА) шартномаси минтақа вакиллари томонидан имзоланди ва 2006 йил 1 январдан кучга кирди <sup>10</sup>.

САФТА шартномаси имзолангандан сўнг, унинг асосида савдони эркинлаштириш дастури ишлаб чиқилди ва кейинги ўн йил давомида (2006-2016) минтақадан чиқариладиган маҳсулотлар бўйича божхона солиқлари аста-секинлик билан қисқартирилиб борилиши тўлиқ белгиланди. Шунингдек, шартнома асосида ишлаб чиқарилган дастур асосида Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка ва бошқа энг кам ривожланган давлатлар учун 2009 йил 1 январдан божхона солиғи 0-5% атрофида бўлишилиги қатъий белгиланди <sup>11</sup>.

2002 йил 4-6 январь Катмандудаги СААРКнинг XI самитида ташкилотга аъзо давлат бошлиқлари Жанубий Осиё иқтисодиётини босқичма-босқич тарзда ва интеграциялашув жараёнини амалга ошириш учун молия, инвестиция ва савдо соҳаларидаги ҳамкорликни жадаллик билан ривожлантиришга келишиб олдилар <sup>12</sup>.

80-йилларнинг бошига келиб Жанубий Осиё давлатларининг минтақа ичидағи савдоси турғунлиқда бўлиб, атиги 1млрд. АҚШ долларидан ошар эди. Аммо кейинги ўн йилликларда мамлакатларда глобал савдонинг ривожланиши натижасида 1980 йилда умумий савдо микдори 37,9 млрд. доллар бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1990 йилга келиб 65,4 млрд. долларга ўсди <sup>13</sup>.

Шунингдек, минтақа мамлакатларининг маҳсулотларни экспорт ҳажми тоборо ортиб, импорт қисқартирила борди.

Ушбу таҳлиллар натижасида Жанубий Осиё минтақасида бошқа соҳаларга нисбатан савдо ва иқтисодий соҳа етарли даражада ривожланиш

---

<sup>10</sup>Murthip, the Islamabad Summit: a review// The News-Islamabad 2004-Fwb4

<sup>11</sup>[http://www.saarc-sec.org/data/summit 13.htm](http://www.saarc-sec.org/data/summit_13.htm)

<sup>12</sup> [http://www.saarc-sec.org/data/summit 131. htm](http://www.saarc-sec.org/data/summit_131.htm)

<sup>13</sup>Bhargav K.K,Mukherjee I.N,South Asia: Tovards Dynamism and Cooperation,-N.Delhi,-1994. Б.2-3.

кузатилаётгани ва бу СААРКнинг юксак мувоффақиятларидан бири эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

Ташкилот ижтимоий соҳада ҳам бир қанча ютуқларга эришиб келмоқда ва истиқболли одимларини белгилаб бормоқда. Исломободдаги XII СААРК саммитида СААРКнинг ижтимоий Низоми (SAARC Social Charter) ишлаб чиқилди ва ушбу низом асосида минтақадаги ижтимоий соҳадаги барча масалалар ва дастурлар амалга оширилиб келинмоқда. Мисол, учун ушбу ижтимоий Низом назорати остида 2006 йилда амалга оширилган Бола ҳуқуқи (RIGHTS of the child) бўйича СААРК ўн йиллик (2001-2010) мақсадларини амалга оширилди<sup>14</sup>.

Шунингдек, ушбу саммитда ратификация қилинган болаларга ижтимоий ёрдамни янада ривожлантириш ҳамда болалар ва аёллар олди-сотдисига қарши кураш бўйича СААРК Конвенцияси ишлаб чиқилди. Ҳозирда ушбу Конвенция асосида аҳолининг камбағал қатламига ҳайрия тариқасида ёрдамлар кўрсатилмоқда.

2004 йил январдаги Исломобод саммитида давлат раҳбарлари минтақада туризм соҳасини ривожлантириш иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларининг ривожланишига, олиб келишслигини айтиб ўтишади ва шу соҳани янада оммалаштириш учун 2005 йилни Туризм йили деб эълон қилишади<sup>15</sup>.

Ушбу саммитда ҳалқаро терроризмга қарши кураш бўйича СААРКнинг Минтақавий Конвенциясининг қўшма протоколи имзолангандиги аҳамиятлидир. Унинг асосий мақсади терроризмни бостириш, жиноятчиликни олдини олиш ва террорчилик ҳаракатларининг молиявий манбаларини қўлга киритишдан иборат. Ушбу протокол 2006 йил 12 январдан қучга кирди.

Кўриб турганимиздек, Жанубий Осиёда ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилиши тарихан бир-бири билан урушиб келган давлатларнинг

---

<sup>14</sup> [http://www.saarc-sec.org/data/summit\\_132.htm](http://www.saarc-sec.org/data/summit_132.htm)

<sup>15</sup> [http://www.saarc-sec.org/Islamad\\_summit.htm](http://www.saarc-sec.org/Islamad_summit.htm).2007.jan 10.

озгина бўлсада ушбу ташкилот доирасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали сиёсий муаммолар ечимида уйғунликни шакллантирилишига ёрдам бермоқда. Маълумки, денгиз савдо алоқаларида Жанубий Осиё мамлакатларидағи аҳвол тобора яхшиланиб бормоқда. СААРКнинг ҳар бир саммитида ушбу соҳага катта эътибор қаратилади. Масалан, 2007 йил 3-4 апрель Дехлидаги XIV саммитда ҳам савдо соҳасига асосий эътибор қаратилди ва ушбу саммитда сўнги йилларда савдо соҳасида эришилган ютуқлар ўрганиб чиқилди ва таҳлил этилди <sup>16</sup>. Ушбу саммитда Афғонистон СААРКнинг янги аъзоси сифатида илк бор иштирок этди.

2008 йил август ойида Коломбода СААРКнинг XVI саммитда “Коломбо Декларацияси” қабул қилинди. У “Халқлар хаётини яхшилаш учун ҳамкорликни ўрнатиш” деб номланиб, озиқ овқат хавфсизлиги ва терроризмга қарши кураш масалаларида ҳамкорликка йўналтирилди.

Минтақадаги ҳолатни яхшилашда СААРКнинг алоҳида аҳамиятга лойиқ бўлган ҳиссаси минтақа давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувлари меҳанизмини ишлаб чиқсанлигидир. Дарҳақиқат, минтақа давлатлари раҳбарларининг икки томонлама учрашувлари нафақат сон жиҳатдан, балки Жанубий Осиё минтақаси давлатлари раҳбарларининг юқори даражадаги умумий йиғилишларида эришилган ютуқлари жиҳатдан ҳам аҳамиятлироқдир.

СААРК ташкилотига аъзо давлатлар олдида турган энг нозик масала бу энергетика хавфсизлиги эди. Чунки аъзо давлатлар ҳудудидаги нефт ва газ захиралари ички талабни қондириш учун етарли даражада эмас. Энергия омилига боғлиқлик углеводород импортидан жуда юқори. Масалан, Афғонистонга 78%, Малдив оролларига 100%, Непалга 67% ва Шри-Ланкага 79% нефт хомашёси четдан олиб келинади. Аъзо-давлатлар ички эҳтиёжни қондиришга етадиган ҳажмдаги электренергияси ишлаб чиқариш

---

<sup>16</sup><http://web.worldbank.org/Evternal/countries/South Asia EXT.htm>

салоҳиятига эга эмас. Бутандан бошқа барча давлатлар иқтисодий ўсишни кучайтириш учун энергиянинг қўшимча манбаларига эҳтиёж сезадилар. Уларнинг қўпчилиги бугунги кунда бир-бири билан электр энергиясини айирбошламоқда. Масалан, Непал-Ҳиндистон, Бутан-Ҳиндистон, Бангладеш-Ҳиндистон, Ҳиндистон-Шри-Ланка.

Электр энергиясининг етишмаслиги, зарур инфратузилманинг мавжуд эмаслиги, углеводород импортига боғлиқликнинг ошиши аъзолар ўртасида ишончсизлик даражасининг қўтарилишига олиб келди. Бугунги кунда Марказий Осиёдан Афғонистон-Покистон-Ҳиндистонга ва иккинчи йўналиши Бангладеш-Мянмага йўналтирилган электр узатиш линияларини ўtkазиш ишлари кун тартибида турган асосий масалалар ҳисобланади. Шунингдек, ташкилот олдига қўйилган масалалар қаторига куйидагилар киради: институтлашган механизмларни ишлаб чиқиш зарурияти; трансчегара вий энергия савдоси ҳажмини ошириш; нарх сиёсатини биргаликда олиб бориш.

2014 йил ноябрда Катмандуда бўлиб ўтган саммит муваффақиятли тугади<sup>17</sup>. Ташкилот аъзолари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдан ташқари минтақадаги транзит орқали юк ташишда барча томонларга ҳамкорликда иш олиб бориш вазифаси қўйилди. Ташкилотнинг барча аъзолари қабул қилинган қарорни маъқуллашига қарамай, Покистон хужжатлар тайёр эмаслигини сабаб қилиб кўрсатиб, куйидаги иккита келишувни имзолашни рад этди:

- “СААРКнинг аъзо давлатлари ўртасида автотранспортда йўловчи ва юк ташишни тартибга солиш” тўғрисида;
- “Темир йўл транспорти бўйича СААРК минтақавий келишуви”.

Саммит раиси бўлган Непал Бosh вазири Сушил Коирала ушбу келишувлар 2016 йил<sup>16-17</sup> ноябрда Покистонда ўтказиладиган саммитгача имзоланиши ҳакида фикр билдирган эди. Мазкур саммитгача ҳукуматлараро бир неча маслаҳатлашув Кенгашлари бўлиб ўтди ва бу кенгашларда Покистон

<sup>17</sup> Kathmandu Declaration. Eighteenth SAARC Summit. Kathmandu, Nepal 26-27 November 2014

ҳам иштирок этди. Кенгашлардан бирида Покистон Ташқи ишлар вазири СААРК ташкил этилганига 30 йил бўлганига қарамай, бугунги кунда ташкилот минтақавий форум сари энг паст даражада бирлашганини таъкидлади<sup>18</sup>. Ички тарқоқликка сабаб сифатида қуидагиларни келтириб ўтди:

- Аъзо-давлатлар потенциалининг номутаносиблиги;
- Табиий ва инсон ресурсининг кўплиги.

Исломобод СААРК доирасида давлат раҳбарларининг доимий учрашиб туриши икки томонлама муносабатларда учрайдиган қийин вазиятларга ечим топишга имконият беради деб ҳисоблайди.

2016 йил октябрда Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди турли сабабларга кўра, 19-саммитга қатнашишдан бош тортди. “The Indian Express” нашрида бунинг иккита сабаби келтириб ўтилган. Биринчиси 2016 йил 18 сентябрда Жамна ва Кашмирдаги Ура қишлоғида хинд армиясига қарши бўлиб ўтган террористик ҳаракатларга Покистонни алоқадорликда айبلاغан эди<sup>19</sup>. Лекин Ҳиндистон буни исботлаб беролмади. Иккинчиси эса, Ҳиндистон ҳукуматининг фикрича, Покистон ўз иқтисодий манфаатлари йўлида ташкилот аъзоларига босим ўтказяпти. Ҳиндистон СААРКнинг ҳозирги раисига минтақадаги трансчегаравий худудларда террористик ҳаракатлар сонининг ортганлиги, бир давлатнинг бошқа давлат ички ишларига араласиши ўсиб бораётганли ва бу ҳолат Исломободда ўтказиладиган 19-саммитнинг муваффақиятли ўтказилишига имкон бермаслиги ҳақида хабар берган. Айнан шу туфайли Ҳиндистон саммитга қатнашишдан бош тортган, дейилади нашрда.

---

<sup>18</sup>Давлат раҳбарлари томонидан мана шундай норасмий маслаҳатлашув кенгашларини ўтказиш ҳақида биринчи марта 9-саммитда келишиб олинган. Muhammad Jamshed Iqbal. SAARC: Origin, Growth, Potential and Achievements // Pakistan Journal of History & Culture, Vol.XXVII/2 (2006). P 138-139.

<sup>19</sup><http://indianexpress.com/article/india/india-news-india/after-boycott-by-india-and-others-saarc-summit-likely-to-be-called-off/IANS>. SAARC summit unlikely after India's boycott, Pakistan says it will happen. New Delhi, September 28, 2016.

Покистон эса Ҳиндистон томонидан қўйилган трансчегаравий ҳаракатлар бўйича айбловини қабул қилмади. Чунки Ҳиндистон томонидан ҳеч қандай далиллар келтирилмаган эди.

Ташкилот Низомига кўра, саммитни ўтказиш кейинга қолдирилди. Мазкур қоидага кўра, агар аъзолардан биттаси саммитга иштирок этишни рад қилса, саммитни ўтказиш бошқа кунга қолдирилади.

Покистон Ҳиндистон СААРК фаолиятига тўсқинлик қилишини қаттиқ туриб маъқуллади ва Ҳиндистон томонидан кашмирликларнинг ҳуқуqlари бузилиши ва Ҳиндистоннинг БМТ ХК резолюцияларини бажаришни рад этганлиги ҳақидаги Кашмир муамоларига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратди. Ҳиндистон эса Покистонни СААРК ташкилотининг асосий вазифалари сифатида белгиланган стандартлардан четга чиққанлиқда айблади.

Сўнгти йилларда Исломобод минтақавий инфратузилмавий ва савдо-сотикқа доир ташаббусларни рад этиб келяпти. У Хитой-Покистон йўналиши бўйича иқтисодий коридорда муносабатлар олиб боришни маъқул кўради<sup>20</sup>. СААРКга аъзо давлатлар ўртасида транспорт-савдо коридорини қуриш лойиҳалари инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш Ҳиндистон билан савдо алоқларини ривожлантиришга имкон беради. Бу эса Покистоннинг режаларига тўғри келмайди.

Ҳиндистон тараф эса биринчидан, Ҳиндистон, Бангладеш, Бутан ва Непални бирлаштирувчи янги ташкилотни тузиш; иккинчидан, Покистонни айланиб ўтган ҳолда бошқа минтақавий бирлашмаларни (масалан, кўп томонлама техник ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича Бенгал кўрфази давлатлари ҳаракати) кенгайтиришга ҳаракат қиляпти. Исломободда бўладиган саммитнинг кечиктирилиши СААРКнинг келгусидаги фаолиятига шубҳа солади.

---

<sup>20</sup> <http://indianexpress.com/article/opinion/columns/saarc-islamabad-summit-india-pakistan-regional-cooperation-3055070/> Raja Mandala: SAARC minus one, September 29, 2016.

СААРК аъзо давлатлари сиёсий қарашларнинг турличалиги қийин аҳволга солиб қўйишини тушуниб етдилар. Сиёсий қарашлардан ташқари аъзо давлатлар ривожланганлик даражаси бўйича ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Афғонистон, Бангладеш, Бутан ва Непал энг қўйи даражада ривожланган давлатлар саналса, Малдив ороллари эса 2011 йилда ушбу мақомдан чиққан. Бироқ Ҳиндистон, Покистон ва Шри-Ланка иқтисодиёти ва ҳарбий салоҳияти юқори даражада<sup>21</sup>. Ҳиндистон эса минтақада доминант мақомда эканлиги шубҳасиздир. Жанубий Осиё ҳудудининг 73,4%и, аҳолининг 76,5%и, ялпи ички маҳсулотнинг 79 %и Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади<sup>22</sup>.

Давлатлар салоҳияти ўртасидаги номутаносиблик СААРК фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ташкилотнинг тузилиши минтақадаги давлатлар ўртасида оз бўлса-да, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқаларни йўлга қўйиш орқали сиёсий муаммолар ечимида уйғунликка эришишда ёрдам бермоқда. СААРК доирасида олиб борилаётган норасмий маслаҳатлашув кенгашлари, икки томонлама учрашувлар минтақадаги аҳволни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ташкилот таъсирида савдо-сотик ва иқтисодий муваффақиятларга эришилиши СААРКнинг ютуқларидан бири ҳисобланади. Бироқ СААРК ташкилоти минтақадаги коллектив ҳамкорликни вужудга келтириш борасидаги фаолиятини тўла амалга ошира олгани йўқ. Ҳиндистон ва Покистон минтақа лидерлари сифатида ташкилотнинг самарали ишлашида ўз таъсир доирасига эга. Бироқ улар ўртасидаги келишмовчиликлар ягона ечимга келишга тўсқинлик қиласди. Ташкилот Европа Иттифоқига ўхшаб чегаралар йўқотилган, эркин савдо зонаси ташкил этилган бўлса ҳам Ҳиндистон-Покистон зиддияти ташкилотнинг самарали фаолият олиб боришига

<sup>21</sup> Stacey White. A Critical Disconnect: The Role Of Saarc In Building The Drm Capacities Of South Asian Countries // Brookings, May 2015. P.5.

<sup>22</sup> Галищева Н. Перспективы развития экономик Южной Азии факты, цифры, тенденции // Международные процессы, Том 13, № 3, с. 41.

түсқинлик қиласы. Аъзо-давлатлар орасидаги сиёсий зиддиятларнинг камайиши миңтақадаги барқарорликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.